

- 4.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ товар сотув жойидан топширилади.
- 4.2. Маҳсулотини тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи товар топширилган пайтдан бошлаб "Истеъмолчи"га ўтади.
- 4.3. Маҳсулотни топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар "Таъминотчи" сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.
- 4.4. "Истеъмолчи" маҳсулотни қабул қилиб олишда маҳсулот тўлиқ эмаслиги сифатсизлиги аниқланган тақдирда ушбу маҳсулотларни қабул қилиб олмаслик ҳуқуқига эга.

5. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ.

- 5.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб газначилик бўлимида рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати "31" декабрь 2022 йилгача белгиланган

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 6.1. Маҳсулотни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,2 миқдорда жарима тўлайди:
- 6.2. Тўлов кечиктирилганлиги учун "Истеъмолчи" ҳар бир кечиктирилган кунга тўлов кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 %дан ошмаган миқдорда тоvon(пеня) тўлайди.
- 6.3. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.
- 7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

8. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

- 8.1. Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

9. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

- 9.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулквий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

- бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма